

Хусинов Ибрагим Исмаилович,  
Тошкент Молия институти, и.ф.н.  
доцент.

Жуманазаров Сардорбек  
Абдуллаевич, Тошкент Молия  
институти, катта ўқитувчи.

## **ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНING ЎСИШИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ**

*Мақолада Ўзбекистонда аҳоли ўсишининг бугунги ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни статистик баҳолаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳамда уларнинг ечими бўйича хулоса ва таклифлар баён қилинган.*

*В статье приведены выводы и предложения по разрешению возможных проблем, возникающих в результате статистической оценки факторов, влияющих на современное состояние роста населения Узбекистана*

*The article provides conclusions and suggestions for resolving possible problems arising as a result of a statistical assessment of factors affecting the current state of population growth in Uzbekistan.*

Аҳолининг зарурий тайёргарликка ва меҳнат тажрибасига эга бўлган қисми жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Ушбу куч иқтисодиётга таъсир кўрсатишини инобатга оладиган бўлсак, аҳоли сони ва таркибий тузилишидаги ўзгаришларни доимий равишда ўрганиб бориш зарурлиги аёнлашади.

Кун сайин демографик жараёнлар ўзгариб бораётган бир шароитда чуқур статистик таҳлил қилиш, уларнинг истиқболларини белгилаш жамият тараққиётини режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки, бу каби илмий, тадқиқотлар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, бугунги кундаги энг катта муоммолардан бири бўлган аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сингари долзарб масалаларни ўрганиш, уларнинг келажакдаги ечими бўйича маълум хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Маълумки, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони ўзгаришига аҳолининг туғилиши, вафот этиши, шу билан бирга уларнинг миграцияси, яъни кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар ўртасидаги фарқлар ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда аҳолининг кўпайиш даражаси кўшни давлатлардагига нисбатан бирмунча юқори, аниқроғи, аҳоли сони мунтазам ўсиш тенденциясига эга, 2019 йил 1 январь ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 33 млн. 255,5 минг кишини ташкил этган. Мустақиллик йилларида республикада умумий аҳоли сони деярли 1,7 боробарга кўпайиб, йилига ўртача 1,045 маротабага ёки 4,5% ўсган.

Аҳолининг сони ва салмоғида юз берган охириги 14 йил давомидаги ўзгаришлар 1-жадвалда ўз аксини топган.

1–жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг динамикаси 2005–2018  
йиллар (минг киши) [2]**

Худудлар	2005 й.	2015 й.	2018 й.
Ўзбекистон Республикаси	246386	31022,5	32656,7
Қорақалпоғистон Республикаси	34106	1763,1	1842,3
<i>Вилоятлар:</i>			
Андижон	6854	2857,3	3011,7
Бухоро	8888	1785,4	1870,2
Жиззах	18911	1250,1	1325
Қашқадарё	9838	2958,9	3148,4
Навоий	21435	913,2	958
Наманган	4916	2554,2	2699,6
Самарқанд	19090	3514,8	3720,1
Сурхондарё	14041	2358,3	2514,2
Сирдарё	12267	777,1	815,9
Тошкент	37131	2758,3	2861,2
Фарғона	16798	3444,9	3620,2
Хоразм	9981	1715,6	1805
Тошкент ш.	32130	2371,3	2464,9

(ЎЗР Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси)

Ушбу ҳолат, албатта, ижобий ҳисобланиб, келажакда ишчи ресурсларига бўлган талабнинг тўлиқ қондирилишидан далолат беради, шу билан бирга аҳолининг мобиллигини таъминлайди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги 14 йил давомида республикада аҳоли сони мунтазам ошиб борган, яъни 8.7 млн. нафарга кўпайган.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг умумий ўсишига унинг табиий ва механик ўсиши таъсир кўрсатади. Шунини инобатга олиб, аҳоли умумий кўпайшига таъсирини баҳолаш учун ушбу омиллардан ҳар бирини алоҳида статистик таҳлил қиламиз.

Таҳлиллар кўрсатадики, кейинги 14 йилда аҳоли сонининг умумий ўсишига фақат табиий ўсиш, яъни туғилиш ва ўлим ўртасидаги фарқ ҳисобига эришилган. Масалан, 2005 йилда аҳолининг умумий кўпайиши 291337 нафар бўлган ҳолда, табиий ўсиш, яъни туғилганлар ва ўлганлар ўртасидаги фарқ ҳисобига 392945 кишига ошган бўлса, келган ва кетганлар ҳисобига эса, манфий ўсиш кайд этилган, яъни аҳоли сони 101608 кишига камайган. Аҳоли сони ўзгаришининг статистик таҳлили натижалари республика ва вилоятлар кесимида 2-жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси кўпайишига табиий ва механик ўсиш таъсирининг статистик таҳлили 2005–2018 йиллар (минг киши) [2]**

Худудлар	2005 й.		2015 й.		2018 й.	
	табиий ўсиш	механик ўсиш ёки камайиш	табиий ўсиш	механик ўсиш ёки камайиш	табиий ўсиш	механик ўсиш ёки камайиш
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>392945</b>	<b>-101608</b>	<b>582106</b>	<b>-29299</b>	<b>613607</b>	<b>-14729</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	23257	-21323	33251	-5331	31506	-4045
<i>Вилоятлар:</i>						
Андижон	35309	- 2103	54702	-1495	57010	-1861
Бухоро	23255	-4923	31376	-1572	32410	-2675
Жиззах	19698	-14946	26539	-589	28205	-823
Қашқадарё	43379	-2526	66589	109	68896	-4220
Навоий	11902	-13112	16149	-1483	17434	-965
Наманган	32099	-1726	49744	-564	54290	-959
Самарқанд	48678	-8276	72754	-3557	82655	-3757
Сурхондарё	33588	-3357	54537	-1279	57561	-1888
Сирдарё	10649	-5918	14076	-510	14555	-526

Тошкент	29564	-13899	42441	-6614	42993	-5733
Фарғона	41760	-3814	61804	-1432	64439	-1366
Хоразм	24691	-3548	31688	-433	31900	-1144
Тошкент ш.	15116	-10215	26456	-4549	29803	-15233

(ЎЗР Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси)

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бундай ҳолат барча йилларда такрорланган ва деярли бир хил. Охирги йилларда механик ҳаракат ҳисобига аҳоли камайишидаги миқдорнинг бирмунча озайиш тенденциясига эгаллигини ижобий ҳолат сифатида қабул қилишимиз мумкин. Ушбу омил ҳисобига аҳоли сони 2005 йилда 101608 кишига, 2010 йилда 44083 кишига, 2018 йилда эса 14729 кишига камайган. Кўриниб турибдики, бу омил ҳисобига юз берган камайиш йилдан-йилга қисқариб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Ушбу кўрсаткични ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳолини кўчиб кетиш даражаси ва миқдори бўйича юқори кўрсаткич 2005 йилда Қорақолпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида кузатилган бўлса, 2018 йилда эса Қорақолпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхандарё ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида қайд этилган. Лекин шу билан бирга, шундай бир тенденция шаклланмоқдаки, табиий кўпайишга таъсир этадиган туғилиш даражаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда туғилганлар сони 768.5 минг киши бўлган бўлса, 2015 йилда 734.1 минг кишини, 2010 йилда 634.8 минг кишини ва 2005 йилда 533.5 минг кишини ташкил қилган. Бундан кўринадики, туғилиш даражаси статистик таҳлил амалга оширилган даврда деярли бир хил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда, шу сабабли ушбу бу омил ҳисобига ўсишни ижобий ҳолат сифатида баҳолашимиз мумкин.

Аҳолининг табиий кўпайишига ўлганлар сони ҳам таъсир этишини кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагилар аёнлашади: вафот этганлар сони 2018 йилда 154.9 минг кишини, 2015 йилда 152.0 минг кишини, 2010 йилда 138.4 минг кишини, 2005 йилда эса 140.6 минг кишини ташкил қилган. Демак таҳлил амалга оширилган даврда ушбу кўрсаткич бўйича ҳам салбий ўзгариш юз бермаган, яъни аҳоли сони камайишига катта таъсир қилмаган.

Аҳолининг ўсиши, ўз навбатида, маълум ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш, фуқаролар ва уларнинг

оила аъзоларига етарли турмуш шароити яратиш бериш масалалари долзарб муаммолардан ҳисобланади. Суғориладиган ерлар ҳажми чекланганлиги ва сув танқислиги, аҳоли сони эса узлуксиз равишда ўсиши натижасида минтақанинг аҳолиси зич ҳудудларида танг ижтимоий-иқтисодий вазият юзага келмоқда.

Бу муаммони ҳал қилиш учун ҳукуматимиз тамонидан бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларидаги инфратузилмани яхшилаш, ичимлик суви билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда шаҳардагидан қолишмайдиган шароитларни яратиш чоралари кўрилмоқда. Қишлоқ жойларида йирик саноат корхоналари барпо этиш орқали қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар шулар жумласидандир.

Охириги 14 йил мабайнида аҳоли табиий кўпайиши жами аҳоли таркибида маълум ўзгаришлар юз беришига, яъни йилдан-йилга 16 ёшгача бўлган аҳоли сони ва салмоғи ортишига, бу эса, ўз навбатида, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва салмоғи кўпайишига сабаб бўлди. Фарғона водийси ва Қашқадарё вилоятларида аҳолининг ўсиш даражаси бирмунча юқорилиги ишсизликни юқори бўлишига олиб келди, бу ўз навбатида, ушбу вилоятларга инвестицияларни кўпроқ жалб қилиб, янги ишчи ўринларини кўпроқ яратишни талаб қилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев асосий эътиборни аҳоли зич ҳамда ишсизлик юқори бўлган вилоятларда янги ишчи ўринларини янада кўпроқ яратишга, шу орқали уларнинг яшаш шароитларини яхшилашга асосий эътибор қаратмоқдалар. Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ушбу муаммоларнинг ечимларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

Камбағалликни камайтириш – бу, аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир [1].

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, “камбағаллик” тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.

Шунингдек, Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида

замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этишимиз керак.

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади.

Бугунги кунда малакали ишчиларга бўлган талаб ошиб бораётганини инобатга олиб, уларни касбга қайта тайёрлашга эътибор қаратиляпти. Демак, тегишли фуқаролар билан тизимли иш олиб бориб, касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасида билдирган фикрларидан кўриниб тўрибдики, асосий эътибор аҳолининг даромадларини оширишга қаратилган. Бунинг учун эса меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш устувор вазифа қилиб белгиланган [1].

Юқоридаги фикрларга ва таҳлил маълумотларига таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

биринчидан, мингта аҳолига нисбатан тўғри келадиган туғилиш даражаси бирмунча пасайган бўлишига қарамасдан умумий аҳоли сонининг йилдан-йилга ошиб бориш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

иккинчидан, аҳолининг механик ҳаракати, яъни миграция омили бўйича юз берган салбий ўзгаришлар мустақилликнинг дастлабки йиллардагига нисбатан бирмунча ижобий тамонга ўзгарган: бу борадаги кўрсаткич 2018 йилда 17429 кишига камайган, 2005 йилда эса 101605 кишига тенг бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу омил ҳисобига аҳоли камайиши 14 йил ичида деярли 6 баробарга қисқарганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга кетган ва келган аҳолининг ёши ва малакаси бўйича чуқурроқ таҳлил ўтказиш орқали янада асосли хулоса қилишимиз учун атрофлича статистик таҳлил лозим бўлади;

учинчидан, айрим ҳудудларда аҳоли сонининг бирмунча тез суръатлар билан ўсиши юз бериши ушбу ҳудудларда бошқа ҳудудлардагига нисбатан ишга яроқли аҳоли сони ортишига олиб келиши ва бунга эътибор берилмаса, айрим ижтимоий муаммолар юзага келиши мумкин.

Юқоридаги муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

миграция натижасида юз бераётган аҳоли камайишининг олдини олиш ушбу камайиш асосан аҳолининг қайси ёшдаги қисми ва мутахассислиги бўйича кимлар ҳисобига юз бераётганини чуқур статистик таҳлил қилиш ҳамда улар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

ишсизликнинг олдини олиш учун аҳоли ўсиши юқори бўлган ҳудудларда замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш ҳамда инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилиб, ишсизлик муаммосини ҳал этиш ва аҳоли даромади кўпайишига эришиш имконини яратиш;

қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектлари ва маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш орқали янги ишчи ўринларини яратиш зарур.

Бундан ташқари тизимли иш олиб бориш, касбга қайта тайёрлашга йўналтириш орқали аҳоли мобиллигига эмас, балки фуқароларни муносиб иш жойи билан таъминлашга ҳам эришамиз.

Келажакда аҳолининг ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда янги, замонавий, яъни кўпроқ кўшилган қиймат яратиш имконини берадиган ишчи ўринларини яратишга эътиборни қаратиш, бизнингча, ишсизликни камайтиришга, шу билан бирга аҳоли даромадлари ошишига ҳамда камбағаллик даражаси бирмунча пасайишига эришиш, қисқаси, аҳоли фаровонлигини таъминлаш имконини кенгайтиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

2. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари. // [www.stat.uz](http://www.stat.uz)